

ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ КЛАСТЕРИ - ФАН, ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ЎЗARO УЙЎНЛАШУВИДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА



<https://doi.org/10.5281/zenodo.14509922>

Расулов Бахтиёр Махмуджонович,

Андижон давлат педагогика институти ректори,
тарих фанлари доктори, профессор.

Аннотация: Таълим шахс иқтидорини рўёбга чиқаришида асосий воситадир. Жоҳоннинг бир қатор илгор давлатлари - АҚШ, Хитой, Корея, Япония, Финландия ва Германияда бунинглаб етилганига анча бўлди. Шу сабабли ушбу мамлакатларда таълим тизими учун ажратилган маблағлар йилдан-йилга ортиб бормоқда. Асосийси, бундай эътибор натижаси ўлароқ, таълим савияси ва стандартлари йилдан-йилга ривожланмоқда. Мамлакатимизда ҳам таълим тизими ислоҳ этиши, уни замон талаблари даражасига олиб чиқиши бугун энг устувор вазифалардан саналади. Ушбу мақолада шу ҳақда фикр юритилади.

Калит сўзлар: миллий таълим тизими, ривожланган давлатлар тажрибаси, Таълим барча учун, мамлакат келажаси учун, Етук кадрларни етиштириши.

Бугунги кунга келиб, бир қатор ривожланган давлатларда таълим соҳасига йўналтирилган маблағлар ялпи миллий маҳсулот ҳажмига нисбатан икки баравар ошиб, ҳатто мудофаа учун ажратиладиган сармоялардан ҳам ортиб кетди. Айни пайтда таълим ва ишлаб чиқариш уйғунлашуви ҳам ҳавас қилгулик даражада. Зотан, ишлаб чиқаришни интенсив ривожлантириш, фан ва техниканинг, маданият ва санъатнинг тараққиёти — инсоннинг янада яхши яшаши, маънавий дунёсининг камолга эришиши учундир. Бу жараёнларнинг калити — таълим тизими ва инсонга бериладиган таълимнинг сифати ва ҳажмидир. Шу боис давлатлар ва жамиятлар ҳар бир инсон учун таълим олиш имкониятини яратиб беришга интилиши лозим. ХХI асрда бу ҳол аксиомадек ҳақиқатга айланмоқда.

Ўзбекистон таълим тизимидаги тараққиётнинг ўсиш суръатлари ҳам дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилаётир. Бу эса илм-фанни ривожлантириш, таълим соҳасини ислоҳ этиш, илмий ҳамда инновацион фаолиятни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро интеграциясига қаратилган кенг кўламли ислохотлар самарасидир.

Дарҳақиқат, ҳар бир халқ, ҳар бир миллатнинг эртанги куни бугун вояга етаётган авлод тақдири билан узвий боғлиқ. Шунинг учун юртимизда таълим тизимини ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиб келинаётир. Айниқса, илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси

бугунги кунда жамият тараққиётига хизмат қиладиган асосий дастурга айланди. Ўзбекистонда олиб борилаётган таълим соҳасидаги ислохотлар бевосита унинг демократик, бозор муносабатларига ўтиш жараёни билан биргаликда олиб бориляпти. Хусусан, талаба-ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббусни амалиётга татбиқ этиш, жумладан, талаба-ёшларни маданият ва санъатга жалб қилиш, талаба-қизларнинг касбий кўникмаларини ривожлантириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати” тўғрисидаги Қонунда кўрсатиб ўтилганидек, ёшларни жисмоний, руҳий ва интеллектуал ривожлантириш ҳамда ҳар томонлама салоҳиятли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланган.

Тараққиётнинг ҳозирги босқичида талабаларга таълим-тарбия бериш сифатини ошириш йўллари ва воситаларини излаб топиш замонавий педагогиканинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Чунки таълим, илм-фан ҳар қандай жамият, миллат ва давлатнинг келажагини белгилаб берадиган, унинг тараққиётига хизмат қиладиган муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бу эса қуйидаги кўринишларда намоён бўлади:

Биринчидан, таълим инсон капиталини шакллантиради. Таълим орқали инсонлар билим, кўникма ва малакаларни эгаллайди, бу эса уларни иқтисодий фаолиятда самарали иштирок этишга, жамиятга ҳисса қўшишга ва ўзини рўёбга чиқаришга тайёрлайди.

Иккинчидан, иқтисодий ўсишни рағбатлантиради. Билимли ва малакали ишчи кучи иқтисодий ўсишнинг муҳим омили ҳисобланади. Таълим орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, янги технологияларни жорий этиш ва иқтисодий рақобатбардошликни кучайтириш мумкин.

Учинчидан, ижтимоий тараққиётни таъминлайди. Таълим инсонларнинг онгини, маданиятини ва ахлоқий хусусиятларини юксалтиради, бу эса ижтимоий адолат, тотувлик ва барқарорликни таъминлашга ёрдам беради.

Тўртинчидан, демократияни мустаҳкамлайди. Таълим инсонларни ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини англашга, танқидий фикрлашга ва мустақил қарорлар қабул қилишга ўргатади, бу эса демократик жамиятнинг ривожланиши учун муҳим асос ҳисобланади.

Бешинчидан, жаҳон миқёсидаги муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради. Глобал муаммоларни ҳал қилиш учун эса билимли, масъулиятли ва инновацион фикрловчи шахслар керак. Шу маънода таълим бундай шахсларни тарбиялашга ёрдам беради.

Шунинг учун ҳам таълим ҳар қандай жамият, миллат ва давлатнинг келажаги учун муҳим асос ҳисобланади. Таълимга инвестиция қилиш, бу — келажак учун инвестиция, деганидир.

Мамлакатимиз Президентининг таълим-тарбия соҳаси вакиллари билан бўлган мулоқот чоғида таълим тизимидаги тараққиётни жадаллаштириш

мақсадида мактабгача, умумий ўрта таълим, олий таълим ва малака ошириш тизимида ягона узвий занжирни йўлга қўйиш учун педагогик таълим кластерларини ташкил қилиш тўғрисида кўрсатма берилди. Бу педагогик таълим сифатини ошириш билан бир қаторда таълим жараёнини замонавийлаштиришга ҳам ёрдам бериши муқаррардир.

Айни чоғда педагогик таълим кластери ҳали шаклланиш босқичида бўлса-да, унинг методологик асослари охирги беш йил давомида яратила бошланди. Бу борада бир қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, педагогик таълим стандартлари замонавий талабларга мослаштирилмоқда, бунда таълим жараёнини рақамлаштириш, интерактив усулларни жорий этиш ва таълимни бозор талабларига мослаштиришга алоҳида эътибор қаратилди;

— педагогларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курсларининг сифати яхшиланмоқда, замонавий таълим технологияларини ўргатишга алоҳида эътибор берилди;

— педагогик таълим йўналишларида ўқитиш сифатини ошириш, замонавий лабораториялар ва ресурс марказларини яратишга алоҳида эътибор қаратилди;

— олий таълим ҳамда профессионал таълим ташкилотлари билан умумий ўрта таълим мактаблари ва мактабгача таълим ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик ривожлантириляётир. Бу билан таълим стандартларини бирлаштириш, ўқув материалларини алмашиш ва ўқитувчиларни қайта тайёрлашга имконият яратилди;

— таълим муассасалари ва иш берувчилар ўртасида ҳамкорлик кучайтириляпти. Натижада таълим жараёнини иш берувчиларнинг эҳтиёжига мослаштириш, талабаларнинг амалиёт ўташини ташкил этиш ва ишга жойлашиш имкониятларини кенгайтиришга потенциал шарт-шароитлар яратилди;

— тизимга электрон ўқув материаллари ва платформалар жорий этилди. Бу эса, ўз навбатида, таълим жараёнини такомиллаштириш, ўқувчиларнинг ўқиш имкониятларини кенгайтириш ва таълим ресурсларига қулайлик яратишга ёрдам берди;

— масофавий онлайн таълим бериш тизими йўлга қўйилди. Албатта, бу таълим жараёнини замонавийлаштириш, масофавий таълим имкониятларини кенгайтириш ва таълимга бўлган қизиқишни ошириш имконини берди;

— таълим соҳасидаги илмий-тадқиқотлар рағбатлантирилмоқда. Ушбу жараён таълим тизимини ривожлантиришга ёрдам берадиган янги ғоялар ва технологияларни жорий этишга йўл очади.

Таълим жамиятимиз, миллатимиз ва давлатимизнинг келажагини белгилаб берадиган, унинг тараққиётини таъминлайдиган асосий омил бўлиб хизмат қилиши амалий ифодаланмоқда. Жамият ривожланишининг чуқур ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришлар рўй бераётган бугунги кунда янги

технологияларнинг пайдо бўлиши рақобатбардошликка бўлган талабнинг кучайишига олиб келди.

Аммо дунё миқёсида рўй бераётган кескин ўзгаришлар, глобаллашув натижасида ҳар бир соҳада вужудга келаётган муаммоларнинг тўғри ечимини топишнинг ўзи катта муаммо бўлиб қолмоқда. Шу жумладан, таълим тизимидаги мавжуд камчиликлар ҳам дунё ҳамжамияти томонидан ҳал этилиши зарур бўлган долзарб масалалардан биридир.

Демак, дунёда иқтисодиётнинг янги, замонавий йўналишлари пайдо бўлаётган экан, Ўзбекистонда ҳам замон талабларига жавоб берадиган етук кадрларни тайёрлаш устувор вазифага айланди. Яъни таълим ва ишлаб чиқариш уйғунлигини таъминлаш ҳаётий заруратга айланди. Шу жиҳатдан, 2019 йил 8 октябрдаги Президент Фармонида мувофиқ Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тасдиқлангани айни муддао бўлди.

Ҳужжат олий таълим тизимини ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг мустақам интеграциясини таъминлаш асосида таълим сифатини яхшилаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилган. Қисқача айтганда, концепция Ўзбекистон Республикасида олий таълимни ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, устувор йўналишлари, вазифалари, ўрта ва узоқ муддатли истиқболдаги босқичларини белгилайди ҳамда соҳага оид дастурлар ва комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун асос бўлади.

Масалан, бундан бир неча йил аввал олий таълим тизимида технопаркларнинг яратилиши ҳақида тасаввуримиз йўқ эди. Ривожланган мамлакатларнинг олий ўқув юртларига ҳавас қилиб, қани энди бизда ҳам шундай имкониятлар бўлса, деб ўйлардик. Бугун эса ҳар қадамда қурилаётган технопарклар юртимиз тараққиётига хизмат қилмоқда. Бундай паркларда ишлаётган ёшларимиз билимини ошириш билан бирга даромад ҳам топмоқда. Илм бўлмаса, ривожланиш ҳам бўлмайди, деганидек, кейинги саккиз йилда мамлакатимизда барча ислохот мана шу қатъий тамойил асосида кечди. Давлатимиз раҳбари илм-фан ва инновациялар ривожини энг устувор масала сифатида кун тартибига қўяётгани ҳам шундан. Бугун юртимиздаги бизнес-инкубаторлар, акселератор ва коворкинг ўқув курслари, IT марказлар мана шу мақсадга қаратилгани билан диққатга сазовор. Илм-фан ва инновациялар янги Ўзбекистон тараққиётида стратегик аҳамиятга эга устувор соҳага айланди. Соҳага муносабат буткул ўзгарди. Олий таълим тизимининг вазифаси фақат ўқитишдан иборат эмас, деган ғоя шаклланди. Тизим изчил илмий фаолият олиб борапти, ёшларни илмий тадқиқотларга жалб қилиб, йирик лойиҳаларни амалга оширишга одатланмоқда.

Умуман, таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлик механизминини йўлга қўйиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва уларни иш ўринлари билан таъминлаш жараёнида ишлаб чиқариш корхоналари билан

алоқаларни кучайтириш устувор мақсадга айланди. Бу эса янги Ўзбекистонни бунёд этиш ва учинчи Ренессансга мустаҳкам замин яратиш борасида олий таълим тизимида ҳам шиддатли ислохотлар ривожланишнинг янги босқичига кўтарилаётганидан далолат беради.